ҚҲММБ: 10/20/3265/1109-сон
30.06.2020 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3265
2020 yil 30 iyun

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 73-ф-сон фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Энергетика вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Давлат божхона қўмитаси раиси **М. Азимов**

Тошкент ш.,
2020 йил "15" 06
01-02/12-19 - сон

Энергетика вазири **А. Султанов**

Тошкент ш.,
2020 йил "15" 06
01-05-4-3202-сон

ҚҲММБ: 10/20/3265/1109-сон
30.06.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
ва Энергетика вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги
01-02/12-19, 0105-4-3202-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоида

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар фойдаланилади:

электр энергияси – бир вақтнинг ўзида ҳосил қилиниши ва истеъмол қилиниши билан тавсифланадиган алоҳида турдаги товар;

ҳисоб-китоб даври – электр энергияси узатиш ва қабул қилиш амалга ошириладиган вақт оралиғи (календар ой);

электр энергиясининг ҳисобини юритувчи асбоблар – электр узатиш тармоқлари орқали ўтган электр энергияси ҳажмини аниқлаш учун энергетика объектларига ўрнатилган ҳисоблагичлар;

божхона назорати жойи – давлатлараро электр узатиш тармоғидаги электр энергиясининг ҳисобини юритувчи асбоблар ўрнатилган жой;

энергетика объекти – электр станциялари, нимстанциялар, тақсимлаш қурилмалари, электр узатиш тармоқлари ва бошқа электр энергиясининг ҳисобини юритувчи ҳисоблагичлар ўрнатилган иншоот ва қурилмалар;

энергетика тизими – тезкор-диспетчерлик бошқаруви остида электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш бўйича узлуксиз технологик жараёнининг умумий режими билан ўзаро боғлиқ бўлган энергетика объектлари мажмуи;

энергия таъминоти ташкилоти – шартнома асосида энергияни сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

Марказий Осиё бирлашган энергетика тизими (МО БЭТ) – электр узатиш линиялари билан боғланган ягона энергетика режимида ишловчи Марказий Осиё давлатлари энергетика тизимлари бирлашмаси;

давлатлар энерготизимларининг параллел ишлаш режими – ягона электр режими билан боғланган электр энергиясини режали ҳамда/ёки режадан ташқари (технологик) узатилишида давлатлар энергия тизимларининг параллел ишлаш жараёни;

“Энергия” МДМ – Марказий Осиё ҳудудидаги тегишли аъзо давлатларининг “Энергия” мувофиқлаштириш-диспетчерлик маркази;

электр энергиясининг давлатлараро техник оқимлари – божхона чегараларидан давлатларнинг ўзаро боғланган энергия тизимлари орқали ўтган электр энергияси оқимлари;

энергия тизими бўйича электр энергиясининг қолдиқ оқими – ҳисоб-китоб даврида амалда ишлаб турган барча кучланиш тоифасидаги давлатлараро электр узатиш линиялари орқали оқиб ўтган электр энергияси техник оқимларининг алгебраик йиғиндиси;

МО БЭТ давлатлари – тегишли энергетик тизимларининг электр энергиясини ўзаро етказиб бериш шартномалари ва параллел ишлаш шартлари асосида, уларнинг

ҚҲММБ: 10/20/3265/1109-сон
30.06.2020 й.

ҳақиқатда амалга ошган (тезкор ёки амалда) қолдиқ-оқимларининг "Энергия" МДМ томонидан тақсимланган электр энергияси оқимлари миқдори;

бошқа чегарадош давлатлар – Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали электр энергияси оқимларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган тегишли энергетика ташкилоти томонидан аниқланган оқимлар;

электр энергияни ташиш учун технологик сарф – технологик ва физик жараёнларда хосил бўладиган ўзига хос хусусиятлар билан шартланган электр энергияси сарфи;

назорат божхона пости – божхона назорати жойидаги ҳудудда жойлашган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали электр энергиясини ҳақиқатда узатилиши устидан назоратни амалга оширувчи божхона пости;

божхона расмийлаштируви пости – электр энергиясининг тижорат ва технологик (режадан ташқари) узатилишларининг ҳужжатли расмийлаштирувини амалга оширадиган божхона пости.

2-боб. Электр энергиясини божхона чегараси орқали олиб ўтилиши устидан божхона назорати

2. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр энергиясини узатиш тармоқлари орқали электр энергиясининг олиб ўтилиши устидан божхона назорати назорат божхона пости ходимлари томонидан божхона назорати жойларида электр энергиясининг ҳисобини юритувчи асбоблардан кўрсаткичларни олишда иштирок этиш, божхона мақсадлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизимини, ҳужжат ва маълумотларни текшириш йўли билан амалга оширилади.

Божхона назорати жойлари Энергетика вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан келишилган ҳолда мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ белгиланади.

3. Электр энергияси ҳисобини юритувчи асбоблардан кўрсаткичларни олиш, ҳар ойда энергетика объектининг масъул вакиллари томонидан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг биринчи кунида (ўртача Европа вақти Гринвич меридиани плюс бир соат) Тошкент вақти билан соат 4-00 да божхона назорат пости ходими иштирокида амалга оширилади.

Масъул вакиллари бўлмаган энергетика объектида божхона назорат пости ходими электр энергияси ҳисобини юритувчи асбобларнинг кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни суткалик диспетчер қайдномаси ва кўрсаткичларни бирламчи қайд этиш журнали билан таққослаб, кўрилган ҳужжатларни "Текширилди" белгиси ҳамда шахсий рақамли муҳри ва имзоси билан тасдиқлайди.

Электр энергияси ҳисобини юритувчи асбобларнинг кўрсаткичлари текширилганидан сўнг энергетика объекти маъсул ходими (агар мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли ҳудудий энергетика ташкилоти вакили) томонидан назорат божхона пости ходимининг иштирокида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда уч нусхада далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатноманинг нусхалари тегишли равишда энергетика объектига, назорат божхона постига ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг (бундан буён матнда Энергетика вазирлиги деб юритилади) тегишли ҳудудий ваколатли таркибий тузилмасига юборилади.

Энергетика тизимлари электр тармоқларининг бўлиниш чегараси тегишлилик баланс бўйича электр энергиясини узатиш линиясининг маълум нуқтасида жойлашганда, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали узатилган электр энергияси ҳажми, унинг бўлиниш чегарасидан ҳисобни юритиш асбоби ўрнатилган жойигача бўлган қисми учун сарфланган технологик сарф миқдорини инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

Энергетика вазирлигининг ваколатли таркибий тузилмаси электр энергиясининг давлатлараро техник оқимлари ҳисобини юритиш асбоблари кўрсаткичларини олиш тўғрисидаги далолатнома ва (ёки) бошқа тасдиқловчи ҳужжатларга асосан энерготизим бўйича жами энергия тизими бўйича электр энергиясининг қолдиқ оқими ҳисобини аниқлайди ва ҳисобини юритади.

4. МО БЭТ аъзо давлатлар энерготизимлари ўртасидаги шартномалар ва параллел ишлаш шартларига мувофиқ "Энергия" МДМ, энерготизимнинг ҳисобот давридаги энергия тизими бўйича электр энергиясининг қолдиғига асосан тижорат оқимлари ҳажмларини (экспорт, импорт) аниқлайди.

"Энергия" МДМ электр энергияси тижорат оқимлари бўйича маълумотларни марказ раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқлаб, уни барча МО БЭТ энерготизимларига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари орқали электр энергияси узатиш ва қабул қилиш ваколатига эга тегишли энергетика ташкилоти ҳам ўз навбатида, ҳисоб-китоб даврида амалга оширилган давлатлараро электр энергияси тижорат оқимлари бўйича маълумотларни раҳбарнинг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаган ҳолда Энергетика вазирлигининг ваколатли таркибий тузилмасига тақдим этади.

"Энергия" МДМ ва Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари орқали электр энергиясини узатиш ва қабул қилиш ваколатига эга тегишли энергия таъминоти ташкилотининг маълумотларига асосан мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

Ҳисоб-китоб даврида МО БЭТнинг ҳар бир энергетика тизими ўзининг электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансидан келиб чиққан ҳолда бир вақтнинг ўзида электр энергиясини ҳам импорт ҳам экспортини амалга ошириши мумкин.

3-боб. Божхона идентификацияси воситаларини қўйиш ва олиш тартиби

5. Божхона идентификацияси воситаларини қўйиш, кейинчалик тегишинча божхона пломбалари, муҳрлари, тамғалари, электр энергияни божхона назорати жойларида назорат божхона пости ходими томонидан энергетика объекти, агар энергетика объекти хизмат кўрсатувчи ходимларсиз фаолиятини амалга оширса, энергетика ташкилотининг масъул шахслари иштирокида амалга оширилади.

6. Божхона пломбалари энергетика ташкилоти пломбаларини ўрнатиш нуқталарида, ҳисобга олиш занжирлари қисқичли йиғмаларига ва электр энергияни ҳисобга олиш асбобларининг сиқиш қутиларига энергетика хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда қўйилади.

Божхона пломбаларини ҳисобга олиш занжири қисқичли йиғмаларига ва электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларининг сиқиш қутиларига қўйишдан ёхуд уларни ечишдан ёки алмаштиришдан олдин энергетика объекти, агар энергетика объекти хизмат кўрсатувчи ходимларсиз фаолиятини амалга оширса, энергетика ташкилотининг мутахассислари пломбалаш жойларини тайёрлайдилар.

7. Назорат божхона пости ходими ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатномани 3 нусхада расмийлаштирган ҳолда пломбаларни ўрнатади. Далолатноманинг бир нусхаси назорат божхона постида, иккинчи нусхаси энергетика ташкилотининг масъул шахсларида сақланади, учинчи нусхаси эса - божхона расмийлаштируви постига юборилади.

8. Энергия таъминоти ташкилоти ва божхона пломбалари сақланиши учун энергетика объекти, агар энергетика объекти хизмат кўрсатувчи ходимларсиз фаолиятини амалга оширса, энергетика ташкилотининг масъул шахси лавозим йўриқномаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

9. Божхона пломбалари фақатгина Ўзбекистон Республикасининг божхона органлари томонидан ёки уларнинг рухсати билан ечилиши мумкин. Узатилаётган электр энергиясини ҳисобга олиш тизимининг иш меъёри бузилиши билан боғлиқ ҳаққоний хавф-хатар мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно. Божхона пломбаларининг бузилганлиги ҳақида уларнинг сақланиши учун масъул шахс бузилишлар аниқланган вақтдан бошлаб бир сутка мобайнида назорат божхона постига бузилишлар сабаби ҳақида хабар қилади ва ёзма тушунтиришни тақдим этади.

10. Электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини текшириш ёки алмаштириш, ёхуд божхона пломбалари бутлигининг бузилишлари талаб этадиган бошқа ишларни амалга ошириш зарурияти туғилганда, божхона пломбаларининг сақланиши учун масъул шахслар назорат божхона пости ишларининг бошланиши ва якунланиши саналарини кўрсатган ҳолда юқорида санаб ўтилган ишлар олиб борилиши ҳақида олдиндан хабардор қиладилар.

Божхона пломбасини ечиш назорат божхона пости ходими томонидан энергетика объекти, агар энергетика объекти хизмат кўрсатувчи ходимларсиз фаолиятини амалга оширса, энергия таъминоти ташкилотининг масъул шахслари иштирокида мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатномани 3 нусхада тузган ҳолда амалга оширилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси назорат божхона пости, иккинчи нусхаси ҳисобни юритиш асбоблари ўрнатилган объектда сақланади, учинчи нусхаси эса божхона расмийлаштируви постига юборилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишлар тугатилганидан сўнг назорат божхона пости ходими мазкур Низомнинг 5–7-бандлари билан белгиланган тартибда янги божхона пломбалари ўрнатилишини амалга оширади.

4-боб. Электр энергиясини декларациялаш ва божхона расмийлаштируви

11. Ҳисоб-китоб даврида амалга оширилган барча электр энергиясининг тижорат ва технологик (режадан ташқари) оқимлари декларацияланиши лозим.

12. Электр энергиясининг божхона расмийлаштируви Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланадиган божхона расмийлаштируви постларида амалга оширилади.

13. Энергия таъминоти ташкилоти ҳисоб-китоб даври тугаганидан кейин, лекин ундан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмаган ҳолда электр энергиясининг тижорат давлатлараро оқими (тезкор ёки ҳақиқий) тўғрисидаги далолатномага асосан божхона расмийлаштируви постига қоғоз ёки электрон шаклдаги божхона юк декларацияси (бундан буён матнда БЮД деб юритилади)ни тақдим этади.

Қуйидагилар мавжуд бўлмаганда муваққат божхона юк декларациясини (бундан буён матнда МБЮД деб юритилади) тақдим этишга рухсат этилади:

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

қувур транспорти ва электр энергия узатиш тармоқлари орқали ҳақиқатда узатилган маҳсулотнинг ҳажми ва қийматини аниқлаш имконияти;

контрактларни (шартномаларни, келишувларни) ваколатли органларда рўйхатдан ўтказиш.

14. Электр энергияси қиймати декларант томонидан тақдим қилинган қиймат ёки олди-сотди шартномаси асосида аниқланади.

15. МБЮД мавжуд бўлган тезкор маълумотлар асосида тўлдирилади. Тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган электр энергиясининг давлатлараро узатилиши тўғрисидаги далолатнома ҳисобланади.

16. МБЮД маълум қилинаётган божхона режимига нисбатан амалда бўлган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (бундан буён матнда Йўриқнома деб юритилади) мувофиқ тўлдирилади.

17. МБЮДнинг 1-графасининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1-графа "Декларация тури".

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади – "ВД".

Графанинг иккинчи бўлмасида Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади.

18. МБЮД тақдим этилганда БЮДни тақдим этиш муддати МБЮДда келтирилган товарларни етказиб бериш ҳисобот ойи тугаган кундан бошлаб тўқсон календарь кундан ошмаслиги лозим.

МБЮДга тўлиқ БЮД расмийлаштирилгандан сўнг, унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

19. Тўлиқ БЮД маълум қилинган божхона режимига мувофиқ, Йўриқнома талаблари асосида қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

1) 1-графа. "Декларация тури".

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади.

Графанинг иккинчи бўлмасида Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади.

Графанинг учинчи бўлмасида "ПВД" ҳарфли белгиси кўрсатилади.

2) 7-графа. "БЮДнинг рўйхат рақами".

Графада ВБЮДнинг рўйхат рақами кўрсатилади.

3) 37-графа. "Процедура".

Графанинг охирги учта рақамига – "071" коди кўрсатилади.

20. Ташқи савдо божхона статистикаси ҳамда ташқи савдо операциялари мониторингини ва валюта назоратини амалга ошириш учун фақатгина тўлиқ БЮДлар ҳисобга олинади. Ташқи савдо бўйича маълумотларни тезкор равишда ҳисобга олиш мақсадлари учун МБЮДда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

5-боб. Энергия узатиш тармоқлари орқали транзит тарзда узатиладиган электр энергиясини расмийлаштириш хусусиятлари

21. Давлатларнинг электр энергетика тизимлари бир вақтнинг ўзида ишлаган шароитда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан давлатлараро электр энергияси узатиш тармоқлари орқали узатиладиган электр энергиясининг транзит ўтказилишини декларациялаш декларант томонидан МБЮД ёки БЮД тақдим этилмаган ҳолда амалга оширилади.

22. Божхона муносабатларида транзит бўйича хизматлар кўрсатиш жўнатувчи ва қабул қилувчи давлатлар, ҳисоб-китоб даври учун узатишлар ҳажмлари, электр энергиясининг шартли қиймати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш йўли билан соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилади.

6-боб. Божхона тўловларини тўлаш

23. Бир календарь ой мобайнида электр энергияси узатиш тармоқлари орқали божхона чегарасидан олиб ўтилган маҳсулотлар учун божхона тўловлари БЮД ёки МБЮД тақдим этилган кундан кечиктирмаган ҳолда маҳсулотларни етказиб бериш ойининг охирги кунида амалда бўлган божхона тўловлари ставкаларига кўра миллий валютада тўланади.

Бунда, бир календарь ой мобайнида электр энергияси узатиш тармоқлари орқали олиб ўтилган маҳсулотларнинг қиймати божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан маҳсулотларни етказиб бериш ойининг охирги кунида ўрнатилган валюталарни расмий айирбошлаш курси бўйича аниқланади.

24. Маълумотларга аниқлик киритиш натижасида тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг миқдори ошадиган бўлса, уларнинг қўшимча тўлови БЮДни тақдим этиш билан бир вақтда амалга оширилиши лозим. Бу ҳолда пеня ҳисобланмайди.

ҚҲММБ: 10/20/3265/1109-сон
30.06.2020 й.

7-боб. Якуний қоидалар

27. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

28. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси раиси **А.Икрамов**

ҚҲММБ: 10/20/3265/1109-сон
30.06.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси божхона
чегарасидан электр узатиш тармоқлари
орқали ўтказилаётган электр энергиясини
божхона назорати ва божхона
расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазири
(ўринбосари)

_____

_____

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали узатиладиган электр энергиясининг божхона назорати жойлари

Т/р	Божхона назорати жойининг номи (манзили)	Электр энергияси узатиш тармоғининг номланиши	Ҳисобни юритиш асбоби ўрнатилган жой, кучланиш тоифаси	Электр энергиясини узатиш йўналиши		Уланган электр узатиш тармоқлари орқали ўзаро ҳамкорлик қилувчи корхона номи	Назорат божхона пости
				Давлат	(қабул, узатиш)		

КЕЛИШИЛДИ
Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона
қўмитаси раиси
(ўринбосари)

_____

_____

ҚҲММБ: 10/20/3265/1109-сон
30.06.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

Электр энергиясининг давлатлараро техник узатишлари ҳисобини юритиш асбоблари кўрсаткичларини олиш тўғрисидаги

ДАЛОЛАТНОМА

20__йил _____ учун

Станция номи	**Ҳисоблагич рақами**	**Трансформация коэффициенти**	**Ҳисоблагич кўрсаткичлари**		**Фарқи (5-4)**	**Электр/ энергия сарфи, кВТ.с (3*6)**
			боши	**охири**		
1	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**	**7**
Бериш:						
станция						
1.						
2.						
3.						
Электр энергиясини ташиш учун технологик харажат						
Қабул қилиш:						
станция:						
1.						
2.						
3.						
Электр энергиясини ташиш учун технологик харажат						

Энергетика объекти вакили _____

(имзо, Ф.И.О.)

Назорат божхона пости ходими _____

(имзо, Ф.И.О.)

ҚҲММБ: 10/20/3265/1109-сон
30.06.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан
электр узатиш тармоқлари орқали
ўтказилаётган электр энергиясини божхона
назорати ва божхона расмийлаштирувидан
ўтказиш тартиби тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

Электр энергиясининг давлатлараро тижорат узатилиши тўғрисида

ДАЛОЛАТНОМА

20__йил _____учун

_____

(ташкилот номи)

Т/р	Шартнома рақами ва санаси	Бир йилда тузилган шартномалар ҳажми		Электр энергия етказиб берилган ой	Ҳақиқатда экспорт (импорт) қилинган		
		кВт.с	сумма, АҚШ доллари		кВт.с	сумма, АҚШ доллари	миллий валюта
ЖАМИ:							

Энергия таъминоти ташкилоти
раҳбари (ўринбосари) _____

ҚҲММБ: 10/20/3265/1109-сон
30.06.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси божхона
чегарасидан электр узатиш
тармоқлари орқали ўтказилаётган
электр энергиясини божхона назорати
ва божхона расмийлаштирувидан
ўтказиш тартиби тўғрисида низомга
4-ИЛОВА

Электр энергиясининг ҳисоблагичлари ва уларнинг қисқичли йиғмаларига божхона органи пломбаларини қўйиш тўғрисидаги
ДАЛОЛАТНОМА

Ушбу далолатнома мен (биз) _____ томонидан
(Ф.И.О, лавозими)
_____
(Ф.И.О, лавозими)
_____ иштирокида
(Ф.И.О, лавозими)
_____ да _____ га
(сана, ой, йил) *(ҳисобга олиш асбоби номи)*
ҳисобга олиш занжирлари қисқичли йиғмаларига ва электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларининг сиқиш қутиларига пломбалар қўйилганлиги ҳақида тузилди.

Т/р	Ҳисобга олиш объектининг номи	Ҳисоблагич аниқлигининг тури ва класси	Ҳисоблагич рақами		Божхона пломбаси изи	Божхона пломбаси сони
			узатишда	қабул қилишда		

Идентификациялаш воситалари (божхона плобмалари)ни қўйиш вақтидаги ҳисоблагич кўрсаткичлари

Т/р	Ҳисоблагич рақами	Ҳисоблагич кўрсаткичлари	Изоҳлар

Юқорида кўрсатилган божхона назорати остидаги ҳисобга олиш асбобларидаги (ҳисоблагичлар)_____
(ҳисобга олиш асбобини номи)
пломбалар ечилиши ва ҳисобга олиш асбобининг очилиши фақатгина божхона органи раҳбариятини хабардор қилган ҳолда божхона органи ходимининг иштирокида амалга оширилсин.

Тезкор навбатчининг хизмат телефони_____

Телефон рақами: _____

_____ _____ _____
(божхона органи ходими лавозим) (Имзо) (Ф.И.О)

_____ _____ _____
(энергетика объекти вакили лавозими) (Имзо) (Ф.И.О)

ҚҲММБ: 10/20/3265/1109-сон
30.06.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга
5-ИЛОВА

Божхона пломбаларини ечиш тўғрисидаги
ДАЛОЛАТНОМА

Ушбу далолатнома мен (биз) _____ томонидан
(Ф.И.О, лавозими)
_____
(Ф.И.О, лавозими)
_____ иштирокида
(Ф.И.О, лавозими)
_____ да _____ дан
(сана, ой, йил) *(ҳисобга олиш асбоби номи)*
_____
_____ нинг мурожаатига асосан
(Ф.И.О, лавозими)
_____ нинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (ҳисоблагичар), электр энергиясини ҳисобга олиш занжирлари қисқичли йиғмаларидан божхона органи пломбалари ечиб олинганлиги ҳақида тузилди.

Божхона органи пломбаси ечилиши учун сабаб _____
_____
_____
_____
_____
_____
_____

Т/р	Ҳисоблагич рақами	Ҳисоблагич кўрсаткичлари	Изоҳлар

_____ _____ _____
(божхона органи ходими лавозим) (Имзо) (Ф.И.О)

_____ _____ _____
(энергетика объекти вакили лавозими) (Имзо) (Ф.И.О)

ADLIYA VAZIRLIGI ANDI